Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
26-yanvar,
seshanba,
№ 11
(3672)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Муносабат

Юртимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳот ва янгиланишлар давом этмоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ушбу жиҳатга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Қутлуғ санага муносиб ютуқлар билан

Маърузанинг «Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» деб номланишиёқ юртимизни ривожланган давлатлар сафига қўшилишдек азалий орзуси томон жорий йилда ҳам қатъий ирода билан қадам ташлашини ифода этади. Бинобарин, юртимизда ўтган йили хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг имкониятлар эшиги очиб берилди. Хусусан, 2015 йил 15 майда эълон қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган ҳамюртларимиз учун катта енгиллик яратди. Эндиликда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлиги жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача оширилди. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш каби қатор чора-тадбирлар белгилаб қўйилди.

Шу билан биргаликда, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш, уларга солиқ қонунчилигида имтиёзлар бериш борасида қатор чоралар кўрилмоқда.

Барчамиз жаҳон иқтисодиёти улкан синовларга дуч келаётгани ҳақидаги маълумотлардан деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз. Мисол учун, иқтисодий ўсишнинг локомотиви ҳисобланадиган истеъмол талабининг, айниқса, хом ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг кескин пасайиб бораётгани глобал молиявий-иқтисодий инқироз наинки давом этаётгани, ҳатто чуқурлашаётганининг исботидир. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда эришилаётган натижалар эса жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши янада ошишига сабаб бўлаяпти. Эътиборли жиҳати, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши ҳам тобора ортиб бормоқда. Масалан, истиқлол йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсганини инобатга олсак, бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичидаги энг юқори натижалардан бири эканлиги аён бўлади. Бу, албатта, юртимизда ҳар бир фуқарога ўз салоҳияти, истеъдодини тўла намоён қилиш учун барча шарт-шароит яратилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганининг самарасидир.

(2).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Раёсат йиғилиши

Касаба уюшмаларининг устувор вазифалари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари иштирокида касаба уюшма ташкилотларининг 2015 йилги фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилиб, унда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Раёсат йиғилишида ҳар томонлама пухта ўйланган, кенг қўламли Дастурни ҳаётга жорий этиш доирасида 2015 йилда республикада амалга оширилган ишларда касаба уюшмаларининг иштироки чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, 2015 йилда меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш борасидаги ишлар амалий тус олганлиги қайд этилди. Биргина янги таҳрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси бўйича касаба уюшмалари томонидан 50 дан ортиқ таклифлар билдирилиб, уларнинг барчаси инобатга олинди. Ҳозирги кунда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тегишли қўмиталарининг эксперт гуруҳлари таркибига киритилиб, мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида мунтазам равишда иштирок этиб келмоқдалар. Касаба уюшмалари мутахассислари «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар таркибида ҳам фаол қатнашдилар.

(2).

Болалар спорти

Самарқанд вилоятида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ўтган йили 40 та спорт зали қуриб фойдаланишга топширилди.



Мактабдаги кошона

Жорий йилнинг илк кунларида Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам замонавий спорт кошонасига эга бўлишди. Жамғарманинг 590 миллион сўм маблағи эвазига бунёд этилган спорт залини “Иштихон тараққиёт қурилиш” МЧЖ қурувчилари ўз муддатида фойдаланишга топширди. Янги кошонада машғулотлар ўтказиш, ювиниш, шифокор ҳамда мураббийлар хоналари мавжуд.

— 814 нафар ўқувчи таҳсил олаётган мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишлари намунали ташкил этилган. Ўқувчилар орасида вилоят ва республика миқёсидаги спорт мусобақалари иштирокчилари анчагина, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Иштихон туман кенгаши раиси Ўлмас Шамсиев. — Янги мажмуа 20 миллион сўмлик 34 турдаги спорт анжомлари билан таъминланди. Бу эса эртамиз эгалари бўлмиш ёшларга яратиб берилган яна бир имкониятдир.

Ўз мухбиримиз

Сарҳисоб

Юксалиш сари

Жиззахда 2015 йил якунлари ва 2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими С.Исмаилов таъкидлаганидек, ҳисобот йилида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 9,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга ўсди.

Вилоят инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар асосида саноатда 254 миллиард сўмлик 213 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада, қўшимча 260 миллиард сўмлик элликдан ортиқ турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш имкони яратилди. Ҳисобот даврида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларнинг 346 миллиард сўмлик маблағи ўзлаштирилди.

Янги иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан 44 минг 158 та иш ўрни яратилди. Унинг 29.700 таси қишлоқ жойларга тўғри келади.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари масъул ходимлари ва фаоллар иштирок этган йиғилиш вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан 2016 йил дастурини маъқуллади.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

«Оқ олтин»нинг равнақи

Қува туманидаги кўп тармоқли “Оқ олтин” фермер хўжалигида йил сайин ишлаб чиқариш цехлари кенгаймоқда.

Ташаббускор ва изланувчан фермер Ҳурматилло Ҳакимов раҳбарлигидаги хўжаликда 95 гектар ерда деҳқончилик қилинади. Шу билан бирга, 50 бош чорва моллари, 2500 та парранда парваришланаяпти, 0,6 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилган. 94 киши иш билан таъминланган.

Бу йилдан қолипли иссиқ нон ҳамда пишган гишт ишлаб чиқариш цехи фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Сентябр ойида ишга тушган макарон цехида эса 8 нафар коллеж битирувчиси муқим иш ўрнига эга бўлди.

Хўжаликда ишчи-ходимларнинг меҳнат шароити ва мароқли дам олиши учун барча имконият яратилган.

Ўз мухбиримиз

Марказнинг янги даволаш мажмуаси

>> 3



Номаълум сайёра аниқланди

>> 3

«Соғлом оила» беллашуви

>> 4

Касаба уюшмаларининг устувор вазифалари

(1).

Шу билан бирга, корхона, ташкилотларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кенг муҳокамаси ташкил этилди. Федерация Кенгаши ташаббуси билан қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида тармоқлар кесимида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган 500 га яқин қонун ҳужжатлари реестри шакллантирилди.

2015 йилда касаба уюшма органларига келиб тушган жами 8134 та мурожаатдан 7990 таси ҳал этилди. "Ишонч телефонлари" орқали 1767 та мурожаат эгалари ҳуқуқий маслаҳат олдилар. Ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар юзасидан корхона ва ташкилотларга 510 та тушунтириш ва хулосалар, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан 105 та таклиф ва тавсиялар берилди.

2015 йилда касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий шерикликни кучайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида корхона, ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари сони 113 мингтадан ортди, юридик шахсларнинг 98 фоиздан ортиғи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди.

Тадбирда таъкидланганидек, жамоа шартномалари бажарилишини муҳокама қилиш жараёнида меҳнаткашлар томонидан ўртага ташланган долзарб масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш мақсадида вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳар бир туман, шаҳар, вилоятда ва республика миқёсида давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда кўтарилган долзарб масалаларнинг аксарияти жойида ўз ечимини топди. Бир қатор масалаларни республика миқёсида ҳал қилиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар масъуллигида 2016 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бандлик, жамоавий меҳнат низоларини кўриб чиқиш, халқаро меҳнат стандартларини амалга ошириш масалаларини уч томонлама маслаҳатлашувлар асосида самарали ҳал этиш тизимини яратиш мақсадида "Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия тўғрисида Низом" лойиҳаси тайёрланди. 2015 йилда тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган жамоа шартномалари макетлари 5 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилда 8 турдаги макетлар ишлаб чиқилиб, тегишли тармоқларга етказилди.

Шу билан бирга, Раёсат йиғилишида касаба уюшмалари хизматига янги қабул қилинган ташкилотлардаги ходимларни жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олиш, жамоа шартномаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш сифатини янада ошириш, ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда тармоқ келишувлари бажарилишини кўриб чиқиш муддатларига эътиборни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда касаба уюшмалари томонидан 2015 йилда белгилаб олинган янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш борасидаги аниқ вазифалар ижроси ҳам атрофлича таҳлил этилди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш доирасида касаба уюшмалари томонидан 6 минг 300 дан ортиқ хўжалик субъектида 46 минг 200 га яқин янги иш ўрни яратилганлиги ўрганилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли мурожаатлар тақдим этилди ва тадбирлар бўйича қўшимчалар киритилишига эришилди. Аҳоли бандлиги таъминланиши устидан жамоатчилик назорати доирасида 438 минг нафардан ортиқ коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши, шунингдек, улардан 5 минг нафардан ортиғининг иш жойларида қўнимлилиги мониторинг қилинди. Касаба уюшмалари ташаббуси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамкорлигида хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали коллеж битирувчилари ва вақтинча банд бўлмаган ёшлар учун Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 192 та янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, Раёсат йиғилишида бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чоралари кўрилиши лозимлиги таъкидланди. Хусусан, касаба уюшмалари фаоллари томонидан республика бўйича яратилган янги иш ўринлари ҳаққонийлигини ўрганиш кўламини кенгайтириш, республика ва ҳудудий дастурларга мувофиқ янги иш ўринлари яратилганлигини ўрганиб бориш йўналишида ҳудудий бирлашмаларнинг мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланган ҳолда туман, вилоят кенгашлари депутатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари ва амалий натижаларга эришишлари давр талаби эканлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, ногиронларни квоталанган иш ўринларига ишга қабул қилишда иш берувчилар масъулиятини ошириш, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар захира қилинган иш ўринларига фуқароларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳар бир корхона, ташкилотда назоратни йўлга қўйишлари, шу жумладан, ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори мамлакатимизда фермер хўжаликларини оптималлаштириш ҳисобига 2015 йилда 17,5 мингта янги фермер хўжаликлари ташкил этилгани, бунинг ҳисобига 250 мингта янги иш ўринлари яратилгани ва бу жараён давом этаётганига қаратилди. Мазкур иш ўринларига ишга қабул қилинганлар билан меҳнат муносабатларининг расмийлаштирилиши, меҳнат дафтарчалари юритилиши, жамоа шартномалари тузилиши масалалари юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши олдида турган устувор вазифалардан бири эканлигига урғу берилди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари томонидан Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда янги иш ўринларини яратиш борасида муайян тажриба тўпланганлигини эътиборга олиб, мазкур ҳудудда Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар раислари учун махсус семинар ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги билдирилди.

Раёсат йиғилишида бугунги кунда юртимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар алоҳида эътироф этилди. Мазкур тизимли ишлар натижасида даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган халқаро кўрсаткич — Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этгани ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда ижобий эканлиги таъкидланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда ўтказилган тадқиқотда ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллаб, 2013 йилга нисбатан 16 ўринга юқорилади.

Ўтган ҳисобот йилида касаба уюшмалари тизимида меҳнаткашларнинг, жумладан, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий ҳимояси, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ишларнинг кучайтирилишига эришилди. Хусусан, жамоа шартномалари вакелишувлари орқали аҳоли вакилларига қарийб 128,1 млрд. сўмлик ижтимоий кўмаклашилди. Жумладан, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида 2 минг 460 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 48,7 млрд. сўм, 1 минг 77 нафар ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 2,8 млрд. сўм миқдоридаги фоизсиз ссудалар берилди. 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар фарзандлари бўлган 7 минг нафардан ортиқ ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 6 минг 240 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартиришга, 2 минг 416 нафар аёллар учун ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтиришга эришилди.

Шунингдек, 3 мингдан ортиқ корхонада 13 минг нафардан зиёд ёш ходимларни бошқа касбга ўргатиш ҳамда малакасини ошириш ишлари ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1 минг 805 нафар талабага шартнома пулларининг бир қисмини қоплаш учун 5 млрд. 74 млн. сўм йўналтирилди.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Федерация томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Ёш мутахассислар» III Республика Форуми ташкил этилди, унинг доирасида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ўтказилди. Танловда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган 5,2 минг нафардан ортиқ ёш мутахассис қатнашди. Финал босқичида ғолиб бўлган 3 нафар ёш мутахассис Федерация Кенгаши грантларига, хусусан 1 нафар ғолиб 5 млн. сўм пул мукофоти, 2 нафари чет элда малака оширишга йўлланмалар билан, қолган барча иштирокчилар ташкилотчиларнинг сертификат ва совғалари билан муносиб рағбатлантирилди.

Касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари натижасида қарийб 30 минг 600 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 162 минг нафардан ортиқ ходимлар касаба уюшмалари аъзолигига жалб этилиб, мазкур корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари имзоланишига эришилди. Бу орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси таминланди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳамоҳанг равишда тизимли тарзда давом эттириш ва янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Айниқса, аҳолининг айрим тоифалари, хусусан, пенсионерлар, ишлаётган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борадаги ишлар сифатини оширишда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида корхона, ташкилотлар раҳбарлари ёки улар вакилларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Республика кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар мансабдор шахслар, иш берувчилар, корхона, ташкилот, муассасалар кадрлар бўлимлари ва ҳисобхоналари ходимларини ўқитиш дастурларига миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, солиқ ва пенсия қонунчилиги масалаларини киритиб, малака оширишнинг мунтазамлигига эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратишлари зарур эканлиги алоҳида қайд этилди.

Янги ташкил этилаётган корхоналарда ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган аниқ чораларни кўриш касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифалардан бири эканлиги, кичик бизнес субъектларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш соҳасидаги ишлар тубдан кучайтирилиши зарур эканлиги таъкидланди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва ватанпарварлик, юртимизда шаклланган азалий қадриятларнинг мазмун-моҳияти, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли акциялар ўтказиш орқали эҳтиёжманд фуқаролар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги ишлар тизимли равишда олиб борилди. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат жамоаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ва қарорлар, Давлат дастурларининг мазмуни ва аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида "Маънавият соатлари"нинг тизимли ўтказилишига эришилаётгани ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ушбу "Маънавият соатлари"да ҳар ойда қарийб 4 млн. нафарга яқин ишчи-ходимлар қатнашмоқда.

"Касаба уюшмалари — болаларга", "Касаба уюшмалари — хотин-қизларга" акциялари доирасида "Мурувват" ва "Меҳрибонлик" уйлари, махсус мактаб-интернатларга қарийб 57 млн. сўмлик қимматбаҳо совғалар, чекка туманлардаги қишлоқ мактабларининг 12 минг нафар 1-синф ўқувчиларига 240 млн. сўмлик санитар-гигиеник воситалар тўпламлари топширилди. Турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган илғор ва фаол хотин-қизлар 436,7 млн. сўмлик совғалар билан рағбатлантирилди.

"Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида 2 минг 950 нафар кексаларга замонавий электр маиший техникалари топширилди. "Касаба уюшмалари — ҳарбийларга" акцияси доирасида эса ҳарбий хизматчилар рағбатлантирилди, хизмат бурчини бажариш йўлида жон фидо қилган ҳарбийларнинг оила аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

2015 йилда халқаро ташкилотлар, хорижий касаба уюшмалари марказлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, Федерация Кенгаши ва Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорлик бутунлай янгича ва амалий тус олди. Ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик самараси ўлароқ 2015 йил 11 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига аъзо бўлди.

Бугунги кунда кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, Федерация тизимида ахборот хавфсизлиги сиёсати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг хулосалари асосида қайта ишланди ҳамда аъзо ташкилотларга етказилди. «Касаба уюшма ташкилотлари» электрон ҳужжат айланиш тизими йўлга қўйилди. Федерация Кенгаши ҳамда аъзо ташкилотларнинг тегишли мутахассислари учун махсус ўқувлар уюштирилди.

Ҳисобот йилида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш ҳамда дам олдиришни ташкил қилиш соҳасидаги ишлар тизимли равишда давом эттирилди. Хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 107,1 минг нафар киши соғломлаштирилиб, уларнинг 45,6 минг нафари имтиёзли, 2,1 минг нафари эса бепул равишда ўз саломатлигини мустаҳкамлади.

Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилиб, 1 минг 168 та оромгоҳда жами 300 минг 372 нафар бола, шу жумладан, 56,5 минг нафари имтиёзли равишда, 5,5 минг нафари бепул дам олдирилди.

Дам олувчилар учун замонавий шарт-шароитларни яратиш мақсадида тасарруфдаги 7 та санаторий ва дам олиш уйида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, Жиззах вилоятида янги «Ҳавотоғ гулшани» санаторийси барпо этилди, 6 та санаторийда реконструкция ишлари давом этмоқда.

«Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган Манзилли дастур» доирасида касаба уюшмалари томонидан Наманган ва Самарқанд вилоятларида 1 тадан янги оромгоҳ қурилди, 4 та оромгоҳда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Меҳнаткашларни оммавий спортга кенг жалб қилиш мақсадида уюштирилган «Спорт — саломатлик гарови» республика спартакиадасининг қуйи босқичларига 30 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 6 млн. дан зиёд меҳнаткашлар, 4 босқичда ўтказилган «Касаба-Тур» веломарафонига 430 мингдан зиёд ҳаваскор велоспортчилар жалб этилди.

Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг бош ҳомийси сифатида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига асосан республикамизнинг 14 та ҳудудида велоспорт Федерациясининг бўлинмалари ташкил этилди. Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Гулистон, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарларидаги Олимпия захиралари коллежларида эса велоспорт бўлимлари очилди. Шунингдек, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ушбу спорт турига қабул квотаси оширилди, вилоятларда велоспорт турига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар ҳамда махсус спорт мактабларида тегишли йўналишлар ташкил қилинди.

Велосипед спорти Федерациясининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мураббийлар чет элда ва четдан мутахассисларни жалб қилган ҳолда мамлакатимизда малака ошириш имконига эга бўлдилар.

Яратилган шароитлар натижасида мамлакатимиз велоспортчилари сўнгги 3 йилда халқаро мусобақаларда жами 109 та медални қўлга киритдилар.

Раёсат йиғилишида Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинди. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда ҳудудларда ташкил этилаётган янги иш ўринлари ҳаққонийлиги бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш ишларига эътиборни кучайтириш, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланадиган йилда касаба уюшмалари томонидан илгари сурилган ташаббус — республикамиз ҳудудларининг ҳар бир туман ва шаҳарларида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида 25 тадан янги иш ўринларини барпо этиш ишларини изчил амалга ошириш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Ҳудудларда ташкил этиладиган мазкур иш ўринларини яратишга доир ишлаб чиқилган ҳужжатлар намуналари тасдиқланди.

Йиғилишда касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши ҳар жиҳатдан тизимда фаолият кўрсатаётган кадрлар салоҳиятига боғлиқ эканлиги қайд этилди. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги ишларни тизимли равишда давом эттириш, бошланғич ташкилотлар раисларининг малакасини ошириш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

2015 йилда кексаларни эъзозлаш йўналишларида амалга оширилган ишларни жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттириш, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани муносабати билан ишловчи оналарга бўлган эътиборни кучайтириш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали улар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини янада юқори поғонага кўтариш, оналар ва болаларни соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлиши таъкидланди.

Шу мақсадларда тизимдаги санаторийларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш ишлари амалга оширилади. Хусусан, 2016 йилда 5 та санаторий, 1 та дам олиш уйида, 4 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида жойлашган «Termiz marvaridi sanatoriysi»да қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш, Термиз давлат университети ҳузурида ташкил этиладиган «Амударё спорт — соғломлаштириш маркази» ҳудудида янги 200 ўринли болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда реабилитация марказини барпо этиш, Наманган вилоятининг Поп туманида замонавий дам олиш масканини ишга тушириш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Бундан ташқари, санаторийларни замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш, уларда янги ва самарали даволаш усулларини жорий этиш, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида туризм фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс тадбирлар дастури ҳамда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор масканларга саёҳатларини ташкил этиш режатақсимоти тасдиқланди.

Соғлом она ва бола йилида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан бир қатор ташкилотлар иштирокида болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг маънавий баркамол инсонлар қилиб вояга етишига хизмат қиладиган болалар қўшиқлари, шеърлар ва ҳисоб шеърларни яратиш бўйича республика ижодий танлови ҳам ўтказилади. Мазкур танлов болалар учун уларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, келажакда маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган истиқлол, Ватан, шукроналик руҳидаги болалар қўшиқлари ва шеърларини яратиш, мазкур ижод намуналаридан болалар оромгоҳларидаги ҳордиқни мазмунли ташкил этишда кенг фойдаланиш, уларни кенг тарғиб қилиш ҳамда ушбу йўналишда фаоллик кўрсатаётган ижодкорларни рағбатлантириш мақсадини ўзида мужассам этган.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда Федерация Кенгашининг тадбирлар дастури бажарилиши якунлари, Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш ҳолати, 2016 йилда касаба уюшма ташкилотларида "Маънавият соатлари"ни ўтказиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Қутлуғ санага муносиб ютуқлар билан

(1).

Президентимизнинг маърузасида таъкидланганидек, Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани ҳар биримизнинг кўнглимизни фахр ва ифтихорга тўлдиради. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига берилаётган улкан имкониятлар ва катта эътибор туфайли иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботидир.

Шу ўринда 2016 йилда амалга оширилиши мақсад қилинган, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмалари тизимида эълон қилинган лойиҳа — Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўринлари яратишдек долзарб вазифани айтиб ўтмоқчи эдим. Бу вазифани юқори савияда адо этиш — барчамизнинг бурчимиздир. Чунки биз иш ўрни билан таъминлаган минглаб йигит-қизлар ўз меҳнатлари билан юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Юртбошимизнинг маърузасида "Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислоҳотларни, иқтисодиётимизда, аввалambor, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур" деб таъкидланди.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатини 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни — 6,1 фоизга, чакана савдо айланмасини — 14 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажмини — 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2016-2030 йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш учун ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Бу борада касаба уюшмалари тизимида ҳам тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилади, албатта. Чунки бизнинг ташкилотимиз барча соҳаларда банд бўлган ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифани амалга оширади.

Юртбошимиз айтганидек, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланадиган 2016 йилга катта мақсад ва режалар билан қадам қўйдик, шу қутлуғ санани муносиб ва салмоқли ютуқлар билан кутиб олиш — барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Камолиддин ОҚБЎТАЕВ,
Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: 3 нафар вояга етмаган фарзандим бор. Бири туғма ногирон. Эрим вафот этганлиги туфайли уларни ёлғиз тарбиялаяпман. Менга иш жойимдан қандай имтиёзлар берилиши керак?

Н.ТУРСУНОВА, Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 228-моддасига кўра ҳомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ унга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур.

Шунингдек, ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар бир кунлик иш куни миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни, ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан қўшимча таътил берилади ва таътиллар улар хоҳишига кўра ёз ойларида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

Ойбек БОЗОРОВ, Чирчиқ шаҳридаги 3-сонли ДНИ нотариуси

Тиббиёт

Марказнинг янги даволаш мажмуаси



Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 100 ўринли даволаш мажмуаси янги бинода фаолият бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидаги юз-жағ хирургияси, кардиоревматология, пульмонология, эрта ёшдаги болалар патологияси бўлимлари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

— Марказимизда яратилган қулайликлар ва шифокорларнинг пойтахтда ҳамда хориждаги нуфузли ихтисослашган тиббиёт марказларида малака ошириб қайтаётгани туфайли даволашда юқори самарадорликка эришилмоқда, — дейди вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Н.Бурҳонова. — Илгари пойтахтда амалга оширилган туғма нуқсонли болаларни пластик жарроҳлик йўли билан даволаш, ошқозон-ичак ва сийдиктаносил аъзоларини операция қилиш эндиликда ўзимизда бажарилаётир.

Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард 612 миллион сўмлик бўлган мазкур объект "20-трест" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

Кейинги йилларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида Бухоро вилоятида ҳам болалар ўлими кескин камайди. Бунда туман ва шаҳарлардаги шифохоналар учун ташкилий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини бажараётган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими М.Эсонов сўзга чиқди.

Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.

Суратларда: *тиббиёт марказининг 100 ўринли даволаш мажмуаси янги бинода фаолият бошлади.*

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар

Олам ва одам

Инсон хотирасининг ҳажми

Америкалик нейрофизиологларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, инсон мияси ўз ичига бутун интернетни сиғдира олиши мумкин. Бу ҳақда The Medical хабар бермоқда.

— Бу нейрофизиология учун ҳақиқий бомбадир, — дейди тадқиқот муаллифларидан бири Ла-Хойядаги Салк институти вакили Терри Сежновски. — Биз гиппокамп нейронлари қандай ишлаши масаласининг ечимини топдик. У кам энергия сарфлаб, юқори самара билан ишлашини ўргандик.

Натижаларга кўра, хотирамиз ҳажми илгари ўйлаганимиздан ўн баробар каттароқдир, унинг ҳажми тахминан петабайт бўлиб, бу глобал тармоқ ҳажмига тенгдир.

Айтилишича, хотиралар гиппокамп деб аталадиган миянинг махсус қисмида сақланади. Хотира электрик импулслар шаклида сақланиб, бир нейрондан бошқасига ўтказилади ёки кимёвий сигналлар сифатида нерв ҳужайралари томонидан ўзаро алмашилади.

Уйғотмагунча қўймайди

Microsoft компанияси Android тизимида ишловчи мобил телефонлар учун Mimicker Alarm номли янги будилник функциясини ишлаб чиқарди. Унинг алоҳида хусусияти — фойдаланувчи 3 та шартдан бирини бажарганидан кейингина будилникнинг овози тинади. Бу ҳақда hi-tech.mail.ru хабар тарқатди.

Қайд этилишича, шартларнинг барчаси ноодатий: илова селфи тушишни таклиф қилади, қандайдир ҳиссиётни кўрсатишни (масалан табассум қилиш) ҳамда кўрсатилган объект рангини айтишни сўрайди.

Хабарда айтилишича, гаджет соҳиби будилник чалинганидан кейин уни ўчиргач, 30 сония ўтиб юқоридаги топшириқлар сўралиши бошланади.

— Агар сиз гаджет сўраган ишларни бажармасангиз, у сизни ҳали уйғонмаган деб ҳисоблайди ва қайтадан чиқира бошлайди, — дейди ушбу иловани ишлаб чиққан дастурчилардан бири Элисон Лайт.

Ютуқми? Керакмас!

Буюк Британиядаги миллий лотерея ташкилотчилари лотереяда ўйналган жекпотнинг ярмини — 33 млн. фунт стерлинглик ютуқни ютган чипта эгасини қидирмоқда, дея хабар тарқатди Daily Mail нашри.

Ютуқли комбинация эълон қилинганига қарамасдан, уни олгани ҳозирча ҳеч ким мурожаат қилмаган. Лотерея ташкилотчиси Camelot компанияси вакилининг айтишича, бу ҳолат ҳайрат уйғотмоқда.

Компания ютуқли чипта сотиб олинган Вустер шаҳрининг 100 мингга яқин аҳолисини чипта эгасини топиш мақсадида хабардор қилди. Агар ғолиб ютуқни олгани 180 кун давомида келмаса, унда жекпот шу суммага оширилади.

Жекпотнинг иккинчи ярмини шотландиялик оила ютиб олди.

Номаълум сайёра аниқланди

2016 йил 20 январ санасида Пасаденадаги Калифорния технология университети олимлари Майкл Браун ҳамда Константин Батигин томонидан «Астрономик журнал»да шов-шувли чиқиш қилинди, дея хабар бермоқда lenta.ru.

Олимларнинг таъкидлашича, Қуёш тизимининг энг четки қисмида, Плутон орбитасидан нарида, янги сайёра кашф қилинган. Ушбу сайёрани ҳозирча ҳеч ким кўрмаган. Уни олимлар ўзига яқин бошқа осмон жисмларига кўрсатаётган гравитацион таъсири орқали билвосита аниқлашган. Ҳозирча номланмаган ва расман тасдиқланмаган ушбу сайёранинг ўлчамлари Нептун ҳажмига яқин деб баҳоланмоқда.

Унинг массаси Ер массасидан деярли 10 баробар катта экани маълум. Унинг Қуёш атрофидан тўлиқ айланиб чиқиш даври 15000 йил деб ҳисобланмоқда. Тузилишига кўра ушбу сайёра ҳам Нептун, Сатурн, Юпитер ва Уран сингари газгигантлари туркумига киради.

Олимларнинг фикрича, ушбу сайёра Қуёш тизими эндиэнди шаклланаётган вақтда, яъни бундан 4,5 миллиард йил муқаддам Қуёш тизимининг энг четки қисмига улоқтириб юборилган ва ўша жойда қолиб кетган. Ушбу сайёранинг Қуёшга энг яқинлашган масофаси 200 астрономик бирлик бўлиб, бу Нептунгача бўлган масофадан 7 баробар олисдир. Браун ва Батигиннинг хато қилиш эҳтимоли атига 0,007 фоиз дея баҳоланмоқда.

Энди ушбу кашфиётнинг расман тасдиқланишини кутиш керак. Бу эса яқин 5 йил ичида юз бериши кутилмоқда. Расмий тасдиқ учун ушбу сайёрани астрономлар телескоп орқали кузатишга муваффақ бўлишлари лозим.

Эслатиб ўтамиз, 1846 йилда худди шундай йўсинда, яъни, аслида ҳали ҳеч ким телескопда кўрмаган номаълум сайёранинг бошқа осмон жисмларига (Уран сайёрасига) гравитацион таъсири орқали янги сайёра — Нептун кашф қилинган эди. Ушбу кашфиётни француз астрономи Урбан Левере амалга оширган. У математик ҳисоб-китоблар орқали янги сайёранинг орбитасини, массаси ва осмоннинг қайси қисмида эканини аниқ айтиб бера олган.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

"Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Гулистон кўчасидаги вилоят "Саховат" уйини реконструкция қилиш ишлари".

Бошланғич нархи — **1 499 064 297 сўм ҚҚС билан; 1 249 220 247 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **1.09.2016 йил.**

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйул кўчаси, 37-уй. Тел.: (0 595) 400-52-05.

Қурилиш-монтаж ишлари: **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: (0 373) 244-68-90, (99898) 276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:

1. «Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Тиббиёт Бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари" (91 ўринли туғруқ комплексини ва бошқа объектларни мукаммал таъмирлаш ишлари).

Бошланғич нархи: 1 853 073 899 сўм ҚҚС билан; 1 544 228 249 сўм ҚҚСсиз.

2. ЛОТ-3.1. «Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 66-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари" (9х18м спортзал ва 80 ўқув ўринли ўқув блоки қурилиши билан).

Бошланғич нархи: 1 092 728 146 сўм ҚҚС билан; 910 606 788 сўм ҚҚС сиз.

Муддати: 01.08.2016 йил.

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси, 37-уй, тел.: (0 595) 401-52-01.

Қурилиш-монтаж ишлари: **Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга)

ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: (0 373) 244-68-90, (+99898) 276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади), Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига АТБ "Туронбанк" нинг 2016 йил 25 январдаги 04/01-179-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилоят, Бўстонлиқ тумани, "Хўжакент" ҚФЙ, Қоранкул қишлоғида жойлашган умумий майдони 0,87 га, фойдали майдони (қурилиш майдони) 2893,87 кв.мдан иборат "Дам олиш маскани" қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 10 741 804 340 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 29 февлал куни соат 15:00да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 26 феврал куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 29 феврал куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 16 март ва 1 апрел кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йилнинг 16 мартдаги савдо учун 14 март куни, 2016 йил 1 апрелдаги савдо учун 30 март куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН: 207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: (0371) 228-80-23, Факс: (0371) 228-80-24. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Хизматлар лицензияланган.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖда 2016 йил 20 январ куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 2 қаватли бино ертўласи билан. Бошланғич баҳоси — 2 631 262 293 сўм, сотилиш баҳоси — 3 445 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» ДУК Мирзо Улуғбек т. хизмати томонидан Арапов Вадим Валентинович номига Тошкент ш. Мирзо Улуғбек т. Х.Абдуллаева кўчаси 148-уй, 56-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси бош ҳисобчи Гулнора Мавляновага падари бузруквори

ЗИНИТ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Навоий сабоқлари

БИР ҲОВУЧ ҒАВҲАР

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топди, дилкаш эмас.
* * *
Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.
* * *
Бўлса ғаминг, жонингга солма алам,
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам!
* * *
Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
* * *
Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ёмон.
* * *
Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.
* * *
Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегил-у, қўйғил қадам.
* * *
Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.
* * *
Одами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ.
* * *
Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки, гадодур тамаъ этган киши.
* * *
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.

Ёш гимнастикачи қизлар

Нукус шаҳридаги 2-кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика, волейбол, шотокан каратэ-до, футбол, кураш, енгил ва оғир атлетика каби ўндан зиёд спорт турлари бўйича машғулотлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, спорт устаси Нигора Полвонова раҳбарлигидаги бадиий гимнастика секциясида 100 га яқин қиз нафис спорт тури бўйича маҳорат оширмоқда. Дилнур Останқулова, Меҳрибон Ғайбуллаева, Шоҳсанам Жанабоева, Ирода Ражабова, Дилафруз Солиева сингари ёш спортчилар мамлакат миқёсидаги мусобақаларда яхши натижаларга эришмоқда.

Суратда: спорт мактабининг бадиий гимнастика секциясида.

ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

Спорт янгиликлари

КАСАБА УЮШМА ТАДБИРИ

Эътибор ва рағбат – самарадорлик омили

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят ташкилотининг қўшма қарорига асосан таълим муассасаларининг 57 нафар етакчиси «Чимён» сиҳатгоҳида бепул дам олдирилди.

— Мақсадимиз ўқитувчи ва мураббийларни рағбатлантириш орқали таълим самарадорлигини янада ошириш, соғлом бола тарбиясига эътиборни янада кучайтиришдан иборат, — дейди тармоқ Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Лолахон Аҳмедова. — Дам олувчи онахонлар учун сиҳатгоҳда барча шароитлар яратилган.

Куни кеча дам олувчилар ҳузурида маданий-маърифий ва спорт тадбири ташкиллаштирилди. Устозлар спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро беллашди.

— Кўрсатилаётган эътибор ва рағбатдан жуда мамнунмиз, — дейди Ўзбекистон тумани 33-умумий ўрта таълим мактаби директори Гулнора Толипова. — Бу хайрли ишда касаба уюшма ташкилотлари ташаббускорлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бу каби илиқ фикрларни Қўқон шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактаби директори Дилфуза Деҳқонова, Ёзёвон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби директори Зулфия Тешабоевадан ҳам эшитдик.

Соғломлаштириш тадбирларига келгусида таълим муассасаларининг фаол ўқитувчи ва мураббийларини ҳам кенг жалб этиш режалаштирилган.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ВЕЛОПОЙГА

Марра чизиғидан ўзиб

Ўзбекистон велоспорт Федерациясининг Самарқанд вилоят бўлими томонидан катталар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган гуруҳ пойгалари кескин курашларга бой бўлди.

— Мазкур мусобақадан кўзланган мақсад — Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиш учун муносиб ўринбосарларни саралаб олиш, иқтидорли спортчиларни аниқлашдир, — дейди мураббий Владимир Шкирко.

Катталар ўртасидаги беллашувларда Бахтиёр Нуриддинов, Михаил Салимов, Рустам Аббосов шоҳсупадан жой олди. Ўсмирлар ўртасида эса Артём Кабаков, Амир Муқаддасов, Тимур Жўраев марра чизиғини биринчилардан бўлиб кесиб ўтишди.

Мусобақа ғолибларига ташкилотчиларнинг диплом ва совғалари топширилди.

Акбар АБДУСАИДОВ, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

ОММАВИЙ СПОРТ

«Соғлом оила» беллашуви

Бу йилги «Соғлом оила» шиори остида бошланғич ташкилотларда ташкил этилаётган тадбирларда минглаб ҳаваскор спортчилар қатнашмоқда.

— Умумтаълим мактабларида мусобақалар алоҳида кўтаринкилик билан ўтказилмоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Таштанов. — 15-умумтаълим мактаби спорт мусобақаларининг 1-босқичига пухта ҳозирлик кўрганини тасдиқлади. Мусобақа Низомига кўра 12 ёшгача фарзанди бўлган ота ва она қатнашчилар ўртасида 5 та шарт бўйича беллашув ўтказилди. Натижаларга кўра Гулистон шаҳар 15-умумтаълим мактабидан Шайжигитовлар ҳамда Вапаевлар оилалари ғолиб деб топилди ва шаҳар босқичига йўлланма олишди.

— Мусобақа шартлари қизиқ экан. Менга, айниқса, ота-онам билан биргаликда иштирок этаётганимиз ёқди. Кейинчалик ҳам ғолиб бўлишга биргаликда ҳаракат қиламиз, — дейди Шайжигитовлар оиласининг азиз фарзанди Суннатбек.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

«Ishonch» – доимий ҳамроҳим!

Қарийб 60 йилки, матбуот нашрлари билан ошно тутинганман. Ўзим ҳам республика, вилоят, туман газета ва журналларига хабар ва мақолалар ёзиб тураман. Очиғи, ҳаётимни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этолмайман. «Ishonch» газетасига эса меҳрим ўзгача.

Матбуотга бўлган ҳавасимни яхши билган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши туман кенгаши раиси Умиджон Мустаев «Ishonch» газетасига 2016 йил учун обуна уюштириб берди. Севинчимга севинч қўшилди. Ҳозирда газетанинг ҳар бир сонини катта иштиёқ билан мутолаа қилиб бораяпман.

Худойберди НАЗАРОВ, нафақадаги ўқитувчи

Реклама ва эълонлар

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **ЛОТ №11.**

Лот №11-1. ««Строительство водозабора для водоснабжения пос. «Тинчлик» г. Навои Навоийской области 2-этап (накопительный резервуар на 100м3)»».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 284 608 408 сумов, с НДС 341 530 089 сумов.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **100 дней.**

Лот №11-2. «Водоснабжение улицы «Мевазор» ССГ «Дустлик» Карманинского района Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 466 302 683 сумов, с НДС 559 563 220 сум**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **100 дней.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета**

Лот№11-1 (конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

Лот№11-2 (при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навои, ул.Навои 63.**

К конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 150 000 сумов. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИКСЕЗ ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

Лот №7-2. «Реконструкция школы №79 (пристройка учебного блока на 60 учащихся) в Хатирчинском районе Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 184 936 927 сумов, с НДС 221 924 312 сумов.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **до 1 августа 2016 года.**

(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

Заказчик **ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.**

Расположенный **г.Навои, ул.Навои 63.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств внебюджетного Фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения общеобразовательных школ, профессиональных колледжей, академических лицеев и медицинских учреждений при Министерстве финансов Республики Узбекистан.**

(Конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

К конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу** г.Навоий, ул.Гвасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навои, ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 15 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

Реклама ва эълонлар

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ 2016 йил 24 феврал куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилоят филиали балансига тегишли бўлган 2007 йилда ишлаб чиқарилган 75/ 938 КАА давлат рақамли "НЕКСИЯ" русумли техник соз ҳолатдаги автомашинасининг бошланғич баҳоси – **23 835 305 сўм.**

Юқоридаги мулк **2016 йил 24 февралдаги** аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси **2016 йил 9-,10-,11 март** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» маъсуляти чекланган жамиятининг "HAMKORBANK" АТБ Термиз филиали МФО: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (0 376) 223-25-55.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: R.Mahkamova
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:40**
Topshirildi — **23:20**
1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г – 115.
20878 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133